



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 243 (13.576)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ВА АФҒОНИСТОН МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ САҲИФА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани 4 декабрь куни расмий ташриф билан мамлакатимизга келди.

Афғонистон Президенти 5 декабрь куни Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истикболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ҳазрати Имом мажмуасига ташриф буюрди. Мўйи Муборак мадрасасида сақланаётган Усмон мусқафи ва бошқа тарихий-маърифий ёдгорликларни катта қизиқиш билан кўздан кечирди.

Ташрифнинг асосий тадбирлари Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Шавкат Мирзиёев ва Ашраф Ғанининг тор доирадаги учрашуви бўлди.

Сизни Ўзбекистонда қутладан мамнунман, деди Президентимиз. Биз кейинги бир йилда беш марта ба учрашиб, бугунги тарихий ташрифга замин яратдик. Ўзбекистон Афғонистонни яқин қўшни ва дўст мамлакат деб билади. Афғонистонда тинчлик ва оқош-талиқ ўрнатилиши, савдо, иқтисодий, транспорт, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимиз ривожланиши учун барча сай-ҳаракатларни сафарбар этмоқда.

Афғонистон Президенти Ўзбекистонга ташрифидан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликка кенг йўл очилганидан мамнун эканини билдирди.

Бундан бир йил аввал Ўзбекистон халқи Сизга ишонч билдириб, Президент этиб сайлаган эди, деди Афғонистон раҳбари. Утган бир йилдаги ўзгаришлар бу ишонч тўғри бўлганини намоён этди. Ўзбекистон 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ қўшни мамлакатлар билан ҳамкорлиқни ривожлантирмоқда, барча масалаларни ҳал этмоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ва амалий сай-ҳаракатлари минтақавий тинчлик ва барқарорлиқни мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон билан ҳамкорлигимизнинг янги даври бошланганидан мамнунимиз. Умид қиламизки, бу муносабатларимиз ойма-ой, кунма-кун янада мустаҳкамланиб бораверади.

Ўзбекистон ва Афғонистон ўртасида дипломатик алоқалар 1992 йил 13 октябрда ўрнатилган. Икки томонлама ҳамкорлик 2016 йилга келиб, изчил ривожлана бошлади. 2017 йил январда Тошкентда икки мамлакат ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги сиёсий масалаҳатлашувларнинг биринчи давраси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Афғонистон бўйича махсус вакили тайинлангани мамлакатимизнинг икки томонлама муносабатларга ажратаётган эътибори намунаси бўлди.

Давлат раҳбарлари 2017 йил 7 июнда Остона шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ мажлиси ҳамда 10 сентябрда Ислом ҳамкорлик ташкилотининг Ғани ва технологиялар бўйича саммити доирасида учрашувлар ўтказди.

29 ноябрь куни Тошкент ва Кобул ўртасида биринчи марта тўғридан-тўғри ҳаво қатнови йўлга қўйилди. Бу воқеа нафақат чуқур рамизий маънога, айни пайтда катта амалий аҳамиятга эгадир. Энди икки мамлакат расмий вакиллари, ишбилармон доиралари, энг асосийси, оддий фуқаролар алоқалари учун қулай имконият яратилди.

Мулоқотда мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликнинг долзарб мавзулари қўриб чиқилди. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар, хусусан, терроризм, экстремизм ва наркотрафикка қарши курашиш, Марказий Осиёда хавфсизликни мустаҳкамлаш юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ва оқош-талиқ ўрнатилишига қаратилган барча амалий ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Давлатимиз Афғонистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатишнинг энг тўғри йўли – бу сиёсий музокаралар олиб боришдир, деган қатъий позицияда.

Ҳамкор давлатлар ва ташкилотларнинг молиявий, иқтисодий ва инсонпарварлик ёрдамига таянган ҳолда

ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг фаол иштирокида умуммиллий ярашувга эришиш мумкин.

Биз Афғонистон ҳукуматининг мамлакатда барқарорлик ва тинчлик ўрнатиш, музокаралар орқали умуммиллий ярашувга эришиш, ижтимоий-иқтисодий вазиятни яхшилаш йўлидаги сай-ҳаракатларини тўла қўллаб-қувватлаймиз, деди Шавкат Мирзиёев. Қўшни Афғонистондаги тинчлик Марказий Осиёнинг барқарор ва изчил ривожланиш истикболларини тўлиқ рўйбга чиқариш учун имкон яратади. Ўзбекистон Афғонистоннинг минтақавий иқтисодий-ижтимоий жараёнларга қўшилиши учун ҳар томонлама қўмаклашади. Иқтисодий тиклаш, транспорт ва энергетика инфратузилмасини ривожлантириш, миллий кадрларни тайёрлаш жараёнларида фаол иштирок этади.

Бу жаҳон ҳамжамиятининг Афғонистонда тинч тараққиётни таъминлашга қаратилган сай-ҳаракатларига уйғун ва ҳамохангдир.

Ўзбекистоннинг нуфузли халқаро ва минтақавий анжуманларда, хусусан, БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида Афғонистон бўйича билдирган баёнотларини юксак қадрлаймиз, деди Ашраф Ғани. Яқинда Самарқанд шаҳрида юқори даражада ўтказилган халқаро конференцияда ҳам Афғонистонда тинчлик ўрнатиш минтақа ва жаҳон миқёсида мумкин масала экани алоҳида таъкидланди. Минтақамизда марказий ўринга эга Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз иқтисодий-ижтимоий барқарорликда мумкин аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Ашраф Ғани музокараларни кенгайтирилган тарихида давом эттирдилар.

Унда расмий делегациялар аъзолари, вазирлик ва йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди. Музокараларда савдо-иқтисодий, транспорт, транзит, энергетика, кимё, агросаноат, таълим, маданият ва бошқа соҳаларда ҳамкорлиқни ривожлантириш, ўзаро манфаатли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда экспорт масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Афғонистон аса Ўзбекистон учун яқин ва катта бозор. Ўзбекистоннинг ривожланган саноати, транспорт ва энергетика соҳасидаги салоҳияти, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари Афғонистон учун манфаатли.

Бу борадаги имкониятларни ишга солиш мақсадида Савдо, транспорт ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлик бўйича қўшма комиссия ташкил этилган. Ўзбекистон Афғонистонда темир йўл, энергетика, қурилиш лойиҳаларини амалга оширган. 2016 йилда савдо айланмаси қарийб 520 миллион долларга етган.

Савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш учун амалий чора-тадбирлар қўрилмоқда. Жумладан, темир йўл, транзит ва бошқа тўловларнинг тариф нарҳлари туширилиб, товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун янада қулай шароитлар яратилмоқда.

Ўзбекистон Афғонистон бозорига машинасозлик, электротехника, кимё ва тўқимачилик маҳсулотлари, замонавий енгил ва юк машиналари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, минерал ўғитлар, қурилиш материаллари, озиқ-овқат, мева-сабзавот маҳсулотларини етказиб беришга тайёр.

Музокарада маданий-гуманитар ҳамкорлиқни ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Афғонистонликлар учун ўзбек тилини ўргатиш, темир йўл ҳамда бошқа соҳалар мутахассисларини тайёрлаш мақсадида Сурхондарё вилоятида махсус таълим маркази ташкил этилган. Термиз шаҳридаги иқтисодлашган шифохонада Афғонистон фуқароларига тиббий хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилди.

Умумий маданий-маънавий меросимиз рамзи бўлган Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломаларимиз қадамжолари-

ни биргаликда қайта тиклаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш бўйича ҳам келишиб олинди.

2018 йил Афғонистонда Абу Райҳон Беруний илмий меросини ўрганиш бўйича халқаро конференция, Тошкентда олимпиадаларга бағишланган халқаро симпозиум ўтказилиши маълум қилинди.

Ўзбекистон Афғонистон учун зарур мутахассисларни мамлакатимиз олий ўқув юртида ўқитишга тайёрлигини билдирди.

Афғонистон Ўзбекистоннинг Самарқанд шаҳрида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкентда Ислом цивилизацияси марказини барпо этиш борасидаги ташаббусларини қўллаб-қувватлаши таъкидланди. Мазкур марказлар ёшларни диний бағрикенглик ва миллий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар ва террорчилик ғоялари таъсиридан ҳимоя қилишда мумкин аҳамият касб этади.

Музокаралар якунида Ўзбекистон ва Афғонистон Президентларининг Қўшма баёноти имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлашга қаратилган 16 ҳужжат имзоланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик, чегара постларидан ўтказиш, фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам, юрларни транзит ташиш, божхона, қишлоқ хўжалиги, энергетика, соғлиқни сақлаш, олий таълим соҳаларига оид ҳужжатлар шулар жумласидандир.

Хавфсизлик соҳасида ҳамкорликка оид қўшма комиссия тузиш, Термиз шаҳрида Афғонистоннинг консулхонасини очиб тўғрисидаги келишувларнинг мумкин аҳамиятга эга экани қайд этилди.

Транспорт ва энергетика инфратузилмаларини барпо этиш соҳасидаги ҳамкорлик аввало икки мамлакат, қолаверса, минтақа давлатлари учун стратегик аҳамият касб этади. Хусусан, Сурхон – Пули Хумри электр узатиш линиясини қуриш лойиҳаси Ўзбекистон мутахассислари томонидан амалга оширилади. Мозори Шариф – Шибиргон – Маймана – Ҳирот темир йўли биргаликда барпо этилади.

Ташриф доирасида Ўзбекистондан бугдой, қора металл, минерал ўғитлар, қурилиш моллари, дуккакли ва бошқа маҳсулотлар экспорт бўйича умумий қиймати 500 миллион доллардан зиёд бўлган тижорат шартномалари имзолангани алоҳида қайд этилди.

Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда бўлиб ўтган музокаралар ва имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси билан Афғонистон Ислом Республикаси ўртасидаги ўзаро манфаатли ва узок муддатли алоқаларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидладилар.

Учрашувда Афғонистон Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани ўзбек тилида лутф қилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев буни олқишлаб, бу халқларимиз тарихи, тили, маданияти яқинлигининг далолати эканини таъкидлади.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғани Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводида ташриф буюрди.

Афғонистон делегацияси мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган енгил ва юк машиналари, қишлоқ хўжалиги техникалари, маиший ускуналар ва бошқа саноат маҳсулотлари билан танишди.

Тадбирда самимий дўстлик муносабатларининг ифодаси сифатида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган 25 дона "Isuzu" русумли автобус ва "New Holland" маркали 3 та трактор Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан биродар Афғонистонга ҳадя этилгани эълон қилинди.

Афғонистон Ислом Республикаси Президенти Муҳаммад Ашраф Ғанининг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

24 декабрь – Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов куни

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловолди таъшиқоти давом этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН “АДОЛАТ” СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНING сайловга тайёргарлиги ва дастурининг асосий йўналишлари билан газетамизнинг 3-саҳифасида танишасиз.



МАМЛАКАТИМИЗДА

● “Наманган ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамиятида корхона касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллигига бағишлаб ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда вилоят энергетика тизимида меҳнат қилаётган ходимлар иштирок этди.

● Президентимизнинг 2016 йил 22 ноябрдаги “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси доирасида Бухоро шаҳрида 252 жонадонга мўлжалланган етти қаватли 6 та замонавий уй фойдаланишга топширилди.

● Термиз шаҳридаги Хотира майдонида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, турли вазирлик ва идоралар вакиллари, вилоятдаги давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, нурунийлар, профилактика инспекторлари оила аъзолари, талаба-ёшлар иштирокида Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармаси ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторларининг тантанали қасамёд қабул қилиш маросими бўлиб ўтди.

● Жиззах шаҳридаги 1-мусиқа ва санъат мактабида “Энг яхши китобхон патронаж ҳамшираси” кўрик-танлови ўтказилди. Ўзбекистон Ҳамширалар ассоциацияси вилоят бўлими томонидан вилоят хотин-қизлар қўмитаси, соғлиқни сақлаш бошқармаси, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган танловда 10 нафар патронаж ҳамшираси иштирок этди.

ЖАҲОНДА

● Калифорнияда ўрмон ёнгинлари тобора авжга чиқиб, ҳозирда кучли олов жами 4 минг гектар ерни қамраб олди. Ёнгиннинг ёйилиб боришига кучли шамол таъсир қилмоқда. Ҳозирда ёнгинлар аҳоли яшаш пунктларига ҳам етиб келди ва унга уй қуриб қол бўлди, бир киши ҳаётдан кўз юмди. Хавфли ҳудуддан 10 минг киши эвакуация қилинди.

● Ҳиндистон пойтахтида осмонни қуюқ тутун қоплади. Гап шундаки, бу ерда ҳавонинг ифлосланиш даражаси меъёрдан кўра 9 баробар ошиб кетди. Ҳавонинг бундай кескин ифлосланишига шимолда фермерларнинг чиқинди илдизларни ёқибдан чиқаётган тутуннинг автомобиллардан тарқалаётган газ билан қўшилиб кетиши сабаб бўлмоқда.

● АҚШнинг NASA космик агентлиги мутахассислари томонидан супер эластик шина яратилди. Қашфиётчиларнинг сўзларига қараганда, ушбу шина тўсиқдан ўтаётганда эзилади, бироқ тезда аввалги ҳолатига қайтади. Шу хусусияти туфайли шина тешилмайди. Бундан ташқари, янги шина катта оғирликни ҳам кўтара олади. Ушбу шина Марсда ҳаракатланадиган технологияларга мўлжалланган бўлиб, уни келгусида автомобиллар учун ҳам ишлаб чиқариш режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

“ЧОРВОҚ” ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятини янада ривожлантириш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, ҳудудга хорижий ва маҳаллий туристларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш, замонавий инфратузилмани жадал ривожлантириш таъминлаш, кўрсатилётган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматларини кенгайтириш ва сифатини ошириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг (кейинги ўринларда – Ўзмиллийбанк):

Тошкент вилоятининг Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси чегараси доирасида “Чорвоқ” эркин туристик зонаси-

ни (кейинги ўринларда – эркин туристик зона) ташкил этиш;

эркин туристик зона ҳудудида замонавий меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар қуриш, шунингдек, замонавий муҳандислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Қўйидагилар эркин туристик зонанинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

эркин туристик зонада замонавий туризм инфратузилмаси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданий-соғломлаштириш, савдо-кўнгилочар ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларга хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреацион дам

олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг инвестицияларини жалб қилиш;

ҳудуднинг экомўҳити имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзига хос туристик йўналишларни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг арзонлигини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан, муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорти йўналишларини кенгайтириш, унинг тўхтовсиз ҳаракатини ташкил этиш, тегишли транспорт инфратузилмасини ривожлантириш;

туристлар хавфсизлигининг қўшимча шароитларини, шу жумладан, туристик инфратузилма объектларини видеокузатув тизимлари билан жиҳозлаш, огоҳлан-

тириш тизимларини ташкил этиш, минтақа ҳудудига келувчи туристлар ҳақида ягона маълумотлар базасини, фавқулодда ҳолатларда тез ёрдам бериш тизимини жорий этиш йўли билан яратиш;

эркин туристик зона ҳудудида лойиҳаларни амалга ошираётган ва фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ҳамда инвесторлар (шу жумладан, хорижий инвесторлар) учун белгиланган алоҳида божхона ва солиқ режимларини таъминлаш;

энергиянинг муқобил ва қайта тикланадиган манбаларини қўллаш ҳолда янги замонавий энергия тежовчи тизимлар ва технологияларни синов тариқасида жорий қилиш асосида ўзига хос экологик тизимни яратиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш.

3. Белгилансинки:

эркин туристик зона эркин иқтисодий зона ҳисобланади;

эркин туристик зона ва эркин туристик зона иштирокчилари сифатида рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларига эркин иқтисодий зоналар тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг қондалари, шу жумладан, эркин иқтисодий зоналар ва улар иштирокчилари учун назарда тутилган барча имтиёз ва преференциялар таътиб этилади;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

“ЧОРВОҚ” ЭРКИН ТУРИСТИК ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

эркин туристик зонанинг фаолият кўрсатиш мudda-ти кейинчалик узайтириш имконияти билан 30 йилни ташкил қилади.

4. Тошкент вилоятининг эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналари маъмурий кенгаши (кейинги ўринларда – маъмурий кенгаш) зиммасига эркин туристик зона бўйича маъмуриятчилик функциялари юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси вакили ҳамда Тошкент вилояти ҳокими-лиги ҳузуридаги Туризмни ривожлантириш департа-менти директори маъмурий кенгаш таркибига кири-тилсин.

5. Тошкент вилояти ҳокимлиги маъмурий кенгаш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, кар-тография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан бир-галикда бир ой мuddатда ташкил этилаётган эркин ту-ристик зонанинг аниқ чегараларини белгиласин.

Белгилансинки, эркин туристик зона Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси доирасида яхлит ҳудуд кўри-нишида, шунингдек, алоҳида ҳудудлар кўринишида бел-гиланиши мумкин.

6. Вазирлар Маҳкамаси икки ойлик мuddатда эркин туристик зонага кирувчи ҳудудлар чегараларини бел-гилаш, шунингдек, “Чорвоқ” эркин туристик зонаси Ди-рекциясини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилсин.

7. Қўйдиғилар:

эркин туристик зонанинг бош режасини ишлаб чи-қиш, шунингдек, йўл-транспорт ва муҳандислик-комму-никация инфратузилмаларини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича буюртмачи этиб – Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” ин-жиниринг компанияси;

энергиянинг қайта тикланадиган манбаларидан (қуёш, шамол, геотермал) фойдаланган ҳолда муҳан-дислик инфратузилмаси объектларини ташкил этиш, шунингдек, эркин туристик зонанинг экологиясини сақ-лаш учун замонавий тозалаш иншоотлари ва иссиқлик билан таъминлаш объектларини қуриш бўйича бош лойиҳа, бош пудратчи ва фойдаланувчи ташкилот этиб – “Энергия тежаш миллий компанияси” АЖ;

эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича бош лойиҳа ташкилот этиб – “Тошкент-бошлангити” ДУК белгилансин.

8. “Тошкентбошлангити” ДУК олти ой мuddатда халқаро маслаҳатчиларини жалб қилган ҳолда эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқин ҳамда маъ-мурий кенгаш билан келишилган ҳолда қонун ҳужжат-ларида белгиланган тартибда тасдиқлаш учун кирит-син.

9. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича дав-лат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўми-таси, Тошкент вилояти ҳокимлиги, “Энергия тежаш мил-лий компанияси” АЖ ҳамда бошқа манфаатдор вазир-

лик ва идоралар билан биргаликда уч ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Эркин туристик зона ҳудудида йўл-транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини ривожлантириш дасту-рини тасдиқлаш учун киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Инвес-тициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда ҳар йили келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси-нинг Инвестиция дастурлари параметрларини шакл-лантиришда эркин туристик зонанинг бош режаси ва ҳудуднинг батафсил режалаштириш лойиҳасини иш-лаб чиқиш учун ҳақ тўлаш, эркин туристик зонанинг ишлаб чиқилган ва белгиланган тартибда тасдиқлан-ган бош режаси асосида эркин туристик зонанинг транспорт, ишлаб чиқариш ва муҳандислик-коммуни-кация инфратузилмасини ривожлантириш учун капи-тал қўйилмалар лимитларини ҳамда зарур марказлаш-тирилган инвестициялар ажратилишини назарда тут-син;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича дав-лат қўмитаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўми-таси, маъмурий кенгаш билан биргаликда бир ой му-ддатда Вазирлар Маҳкамасига эркин туристик зонада амалга ошириш ва жойлаштириш учун лойиҳаларни танлаш мезонлари бўйича таклифлар киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Тиклиши ва тараққи-ёт жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) эр-кин туристик зонада амалга оширилаётган инвести-ция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш учун 100 миллион АҚШ доллари миқдорида имтиёзли кре-дит линияси очилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма томонидан ажратиладиган кредит линия-си маблағларини қайта молиялаштириш Ўзмилийбанк, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Асака” АТБ томонидан амалга оширилади;

кредит линияси доирасида хорижий валютадаги кре-дитлар 2 йиллик имтиёзли давр, 2 фоиз қўшилган 6 ойлик ЛИБОР ва банкнинг 0,5 фоиз миқдоридаги мар-жасига тенг бўлган фоиз ставкаси билан 7 йилгача мuddатда тақдим этилади;

Жамғарма кредит линияси маблағлари замонавий импорт жиҳозлари ва технологияларини харид қилиш учун инвестиция лойиҳаси қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган сумада ажратилади.

11. Ўзмилийбанк, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Асака” АТБга:

эркин туристик зона ҳудудида амалга оширилади-ган инвестиция лойиҳаларида 100 фоизгача банк улу-ши билан, шу жумладан, банкларнинг тегишли инвес-тиция компаниялари орқали иштирок этиш;

амалга оширилаётган инвестиция лойиҳаларини мо-лиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Инвести-циялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро молиявий институтлар, хорижий банклар ва бошқа инвесторлар – юридик ва жисмоний шахслар (шу жумладан, хорижий), давлат ва нодавлат жамғар-малари, корхона ва ташкилотларнинг грантлари, кре-дит линиялари ва инвестицияларини, бегараз молия-вий ёрдамларини ҳамда тижорат банкларининг кре-дитларини жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ЧОРВОҚ” ЭРКИН ТУРИСТИК
ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Ўзбекистон Республикасида иш ўринла-ри яратиш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, ҳудудларни жадвал ривожлантириш, валюта тушумларини қўлайитириш, аҳоли да-ромадлари ва турмуш даражасини ошириш каби энг муҳим ижтимоий-иқтисодий вази-фаларни яхши истиқболда ҳал қилиш учун кенг салоҳиятга эга бўлган туризм соҳасини ривожлантириш борасида изчил чора-тад-бирлар амалга оширилмоқда.

Тошкент вилояти улкан туристик салоҳи-ятга эга. Чунинки, ҳудудда экстремал ва тоғ туризмиди, яъни чаналарда учаш, сноуборд-инг, парраланда ва дельтапанда учош, ве-лоспорт, мотоспорт ва экстремал спорт тур-лари, ҳамда экологик ва шишлоқ ҳўжалик туризми ривожлантиришга табиий шароит-лар бор.

Хусусан, Тошкент вилояти тоғларида Чор-воқ сув омбори мавжуд бўлиб, унинг соҳи-лида қўлпа пансионатлар, дам олиш зона-лари ва болалар спорт соғломлаштириш ла-герлари жойлашган. Мухташам гарбий Тянь-Шань тоғлари қўлпа туристик йўллар ва йўлаклар, шаршаралар, ёрлар, чуқурик-лар, ёнғоқзорлар ва боллар 2016 йили ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон рўйхатиға киритил-ган. Бундан ташқари, “Уғом-Чотқол” миллий боғи 230 турдаги ҳайвонлар, 1800 ўсимлик турлари ва 4 та табиий қўлни (Урунғач, Бо-дак, Шовери, Икнож) ўз ичига олади.

Бугунги кунда вилоятда маҳаллий ва хо-рижий туристларға қизқатиш кўрсатувчи жами 120 та корхона фаолият кўрсатмоқда: улар-дан 15 таси туристик операторлар, қуниға 2440 та туристға хизмат кўрсатиш имкония-тиға эға бўлган 45 меҳмонхона, 71 санато-рий ва дам олиш масканлари. Туризм хиз-матлари экспортнинг жами 44,6 миллион АҚШ доллариғи ташкил этади, бу эға ўсиш-нинг 109,2 фоизини ташкил қилади.

Шунға қарамай, минтақаниғи йрик турис-тик салоҳияти ва табиий ресурслари ҳисоб-ға олсинса, бу кўрсаткичини қонқилар деб бўлмади, яъни туар жойлар, санаторий-лар ва дам олиш масканларини жойлашти-риш учун етарлиға маблағлар мавжуд эмас, туристик инфратузилмалар ривожланиш ва туристларға қўрсатилаётган хизматлар сифа-ти паст, шунингдек, уларнинг турлари сони ҳам чекланган.

Шу билан бирға, Тошкент вилоятидаги ту-ризм соҳаси бугунги ҳолатининг таҳлили ту-ристларнинг арзон ва сифатли дам олиш эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун маз-кур соҳани янада ривожлантириш бўйича са-марали чораларни қабул қилиш лозимлиғи-ни кўрсатмоқда.

Шу муносабат билан Тошкент вилояти-нинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш са-марадорлиғини ошириш ва ривожлантириш, транспорт-коммунал инфратузилма объект-лари комплексини ва янги туристик йўна-лишларни шакллантирган ҳолда Чимён-Чор-воқ рекреация ҳудудида замонавий инвес-тиция лойиҳаларини амалға ошириш йўли билан дам олиш ва туризм учун шароитлар-

ни яхшилаш, шунингдек, туристик хизмат-лар сифатини ошириш, унинг асосида янги иш ўринлари яратиш ва аҳолининг даро-мадлари ўсишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Чорвоқ” эркин туристик зонасини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармонининг қабул қили-ниши туризм соҳасидаги давлат сивасатининг манткий давоми ҳисобланади ва Тошкент вилоятининг туристик салоҳиятидан фойда-ланиш самарадорлиғини ривожлантириш ва оширишға қаратилган.

Тошкент вилоятининг ўзига хос курорт-рекреация шароитларини ҳисобға олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг Фармони билан замонавий меҳмонхо-на мажмуаларини, маданият-соғломлашти-риш, савдо-кўнгулчор ва туристик аҳамия-тдаги бошқа объектларни қуриб, шунинг-дек, замонавий муҳандислик инфратузилма-сини яратган ҳолда Чимён-Чорвоқ рекреа-ция ҳудудида “Чорвоқ” эркин туристик зо-насини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Ўзбекистоннинг потенциал фойдалаи ту-ризм саноати ҳозирги вақтда меҳмонхона-лар қурилиши ва деярли барча замонавий инфратуруктура учун инвестицияларнинг этишмоовчилиғи, шунингдек, туристларни жалб қилиш ва чет элдан дам олишни афзал қўрадиган фуқароларни ички туристик бўл-ғарға қайта йўналтириш учун зарур корхона хизмат кўрсатиш даражасининг пастлиғи билан боғлиқ муаммоларға дўч келаётганлиғи сабабли эркин туристик зонани яратиш дав-лат аҳамиятидаги масалаға қўтарилди.

Ташкил этилаётган “Чорвоқ” эркин турис-тик зонаси Ўзбекистондаги шу каби зона-лар ичида биринчи ва ягоналиғи боис, эр-кин туристик зоналар мамлакатимиз учун ин-новация характериға эға ҳисобланади.

Фармон билан “Чорвоқ” эркин туристик зонасининг асосий вазиға ва фаолият йўна-лишлари этиб қўйдиғилар белгиланмоқда:

эркин туристик зонада замонавий туризм инфратуруктураси объектлари (меҳмонхона мажмуалари, маданият-соғломлаштириш, савдо-кўнгулчор ва туристик аҳамиятдаги бошқа объектлар)ни, туристларға хизмат кўрсатиш учун зарур шароитларни таъминлаган ҳолда махсус функционал ва мавсумий рекреаци-он дам олиш зоналарини яратиш бўйича лойиҳаларни амалға ошириш учун хорижий ва мамлакатимиз инвесторларининг инвес-тицияларини жалб қилиш;

ҳудуднинг экомўҳити имкониятларини ҳисобға олган ҳолда ўзига хос туристик йўна-лишларни ташкил этиш;

транспорт воситаларининг арзонлиғини таъминлаш, ҳудудда транспорт ҳаракатининг янги (поезд, электропоезд, автобус), шу жумладан муқобил энергия манбаларида ҳаракатланувчи турларини жорий этиш, йўловчи транспорт ҳаракатининг йўналиш-ларини кенгайтириш, уларнинг тўхтовсиз

12. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологияла-ри ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирли-ги Ички ишлар вазирлиғи ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой му-ддатда эркин туристик зона ҳудудида интеллектуал транспорт, геоинформация тизими ва бошқа шу каби-ларни назарда тутувчи хавфсиз туризмни таъминлаш концепциясини жорий этиш бўйича таклифлар кирит-син.

13. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва-зирлиғи икки ойлик мuddатда туристларға сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, шу жумладан, тез ва шоши-линч тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқсин, бунда эркин туристик зо-нанинг тиббиёт муассасалари, хусусан соғлиқни сақ-лаш тизимининг бирламчи бўғини муассасалари билан таъминланишиға, уларнинг замонавий жиҳозлар ва юқори малакали кадрлар билан тўлдирилишиға ало-ҳида эътибор қаратсин.

14. Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агент-лиғи “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ ҳамда бошқа ман-фаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ойлик мuddатда Вазирлар Маҳкамасига Тошкент – Чимён-Чорвоқ курорт-рекреация зонаси (ва ортға) йўна-лиши бўйича, зарур ҳолда янги қўлай йўналишларни жорий этган ҳолда, комбинациялашган йўловчи ташиш тизимини янада ривожлантириш бўйича таклифлар ки-ритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2916-сон қарори билан ташкил этилган Чикиндилар билан боғлиқ ишларни амалға ошириш тизимини мувофиқлаштириш ва тақомиллаш-тириш бўйича Республика комиссияси Ўзбекистон Рес-публикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси билан биргаликда маиший чиқинди-ларни эркин туристик зона ҳудудидан энг яқин чиқин-диларни қайта ишлаш корхоналарига олиб чиқиб ке-тишни тизимли равишда ташкил этиш бўйича чоралар кўрсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлан-тириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти ҳокимли-ги, Ўзмилийбанк билан биргаликда икки ой му-ддатда:

Чорвоқ эркин туристик зонасини янада ривожланти-риш концепцияси лойиҳасини ва уни амалға ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ҳамда уларни маъмурий кенгаш ва бошқа манфаатдор ва-зирликлар ва идоралар билан келишилган ҳолда Ва-зирлар Маҳкамасига киритсин;

қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқади-ган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

17. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбоса-ри С.Р.Холмуродов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 5 декабрь

лари билан таъминлашға, соғлиқни сақлаш тизимининг бирламчи бўғини муассасалари, уларнинг замонавий жиҳозлар ва юқори ма-лакали кадрлар билан таъминланганлиғиға асосий эътибор қаратган ҳолда туристларға сифатли тиббий хизмат, шу жумладан, шо-лилинч ва кечиктириб бўлмайдиган тиббий ёрдам бўйича чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин;

Тошкент – Чимён-Чорвоқ курорт-рекреа-ция зонаси маршрути (ва ортға) бўйича ком-бинациялашган йўловчи ташиш тизимини яна-да ривожлантириш, зарурат бўлганда янги қўлай йўналишларни жорий этиш бўйича та-клифларни киритиш;

эркин туристик зона ҳудудидан маиший чиқиндиларни тизимли асосда уларни қайта ишлайдиган яқин корхоналарға олиб чиқиб ке-тиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилиш;

“Чорвоқ” эркин туристик зонасини янада ривожлантириш Концепцияси лойиҳасини, шунингдек, уни амалға ошириш бўйича чора-тадбирлар режасини киритиш.

Фармоннинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири унинг эркин иқтисодий зона ҳудудида инвестиция лойиҳаларини амалға ошириш учун қўлай шароитлар яратишға қаратилган-лиғи ҳисобланади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Тиклиши ва тараққиёт жам-ғармасиға кредит ва фойзалари узишининг қўлай шартларини тақдим этишни ўз ичига олувчи 100 миллион АҚШ доллари миқдо-ридаги имтиёзли кредит линиялари очилиш таъминлаш топширилган.

Шу билан бирға, Ўзбекистон Республи-каси Ташқи иқтисодий фаолият миллий бан-киға, “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ ва “Аса-ка” АТБға:

эркин иқтисодий зона ҳудудида амалға ошириладиган инвестиция лойиҳаларида банкларнинг, шу жумладан банкларнинг те-гишли инвестиция компаниялари орқали 100 фоизгача иштирок этиш;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда халқаро молия институтлари, хорижий бан-klar ва бошқа инвесторларнинг – юридик ва жисмоний шахсларнинг (шу жумладан хо-рижий юридик ва жисмоний шахсларнинг), дав-лат ва нодавлат фондларнинг, корхона ва ташкилотларнинг грантлари, кредит линия-лари ва инвестициялари, бегараз молиявий ёрдамларини, шунингдек, амалға оширила-диган инвестиция лойиҳаларини молиялаш-тириш учун тижорат банкларининг кредит-ларини жалб этиш ҳуқуқи берилмоқда.

Фармоннинг қабул қилиниши замонавий инфратузилмани изчил ривожлантириш, тақ-дим этиладиган туристик, меҳмонхона ва транспорт хизматлари сифатини ҳамда Чимён-Чорвоқ рекреация ҳудудиға таширф буюраётган хорижий ва маҳаллий туристлар учун хизматлар даражасини яхшилаш мақ-садида хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича масалаларни ҳал этишни тез-лаштиришға имкон беради.

Конституция менинг ҳаётимда
ИНСОН МАНФААТЛАРИГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Конституция сўзини эшитганда ҳар доим қандайдир бир умумий тарзда воқеликни ва ҳаётимизни акс эттирувчи қондалар тўплами тушунилади, шу билан бирға қимдан сўраман ҳар доим бир хил жавоб – “Бу асосий қонун” деган жавобни оламиз. Лекин у нима сабабдан бундай қудратға эға эканлиғи ва шунча кодекс, қонун ва қонуности ҳужжатлар бўла туриб, Конституцияға эҳтиёж нима сабабдан туғилди, деган савол мени ўйлантиради.

Ушбу саволға дастлаб жавобни Конституция сўзи-нинг маъносидан олиш мумкин, чунки у “ўрнатиш, бел-гилаш” маъносини англатади. Давлат органларининг тузилиши умуман давлат структурасини ҳужжатлар билан тартибға солишни инобатға олсак Конституция давлат аталмиш улкан бинонинг пойдеворидир. Пой-девор мустаҳкам бўлса, бино инсонли бўлади.

Турки Конституцияси йўқ давлатлар ҳам бор, бунға мисол қилиб Буюк Британия давлатини кўрсатишимиз мумкин. Лекин бу ҳолат одатларға асосланган ҳуқуқ тизимлари учун ҳосидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси инсон ҳуқуқлари ёки табиий ҳуқуқларни ўзида кенг акс эт-тирган Олий юридик қуноға эға ҳужжат бўлиб, унинг Преамбуласи ва моддалари мазмуни халқаро оммавий ҳуқуқ, Инсон ҳуқуқлари бутунжаҳон декларацияси, Бир-лашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларидаги ин-сон ҳуқуқлари бағишланган яшаш, эркин сўзлаш, эр-кин эътиқод, таълим олишдаги эркинлик ва бошқа нор-маларни ўз ичига олган.

Конституция давлат сиёсати қандай бўлишини бел-гилаб беради, чунки Конституциядаги нормалар бошқа нормалар учун асос бўлиб хизмат қилади.

Қонунлар Конституцион нормалар асосида қабул қилинади. Шу сабабли ҳозирги кунда ижтимоий ҳаёти-мизда рўй бераётган ҳодисаларни тартибға солувчи қонунларнинг нормалари Конституциядан олинган.

Мисол учун Конституциянинг 8-моддасида “Ўзбекис-тон халқини миллатидан қатъи назар Ўзбекистон Рес-публикаси фуқаролари ташкил қилади” дейилган. Ай-нан шу норма ва унга қўшимча равишда фуқаролик нима, у қандай олинади ва қандай тугатилади ёки тўхта-тилади, фуқароликнинг аҳамиятини тушунтирувчи нор-малар 1992 йилда қабул қилинган “Фуқаролик тўғри-сидаги” Қонунда кўрсатилган.

“Бирорта ҳам қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституция нормаларига (зид) ва қондаларига эмс қилиш мумкин қилмади” деб белгиланган. Бу норма-нинг ижроси эса “Конституциядаги суд тўғрисида”ги Қонунға асосан Ўзбекистон Республикаси Конститу-циявий суди томонидан назорат қилинади, чунки ушбу суд Олий Мажлис палаталари томонидан қонунлар ва бошқа норматив ҳуқуқий ашлар нормаларининг Кон-ституциявий нормаларига тўғри келишини текширади ва суд томонидан қабул қилинган қарор яқиний ҳисоб-ланиб, қайта кўриб чиқилмайди. Хаммамиз ёшлиғи-мизда мактабға борганимиз ва умумий ўрта таълим ол-ганимиз. Бепул таълим Ўзбекистон Республикасида тўлиқ жорий қилинган. Бу эса асосий қонунимизнинг 41-моддасида белгилаб қўйилган. Аслида бу давлат бюд-жетининг қарийб ярмини таълимға сарфлашни тақозо қилсада, яъни иқтисодий томондан қўп қаражатли ва номақбул, лекин Конституцияда белгиланганлиғи са-бабли давлат фуқаролари олдида ушбу нормани бажар-ишға мажбур.

Хизмат юзасидан қўлғина делегациялар ҳамда халқ-аро ташкилот вакиллари билан учрашганда бир нарсани-нинг гувоҳи бўлганман. У ҳам бўлса меҳмонларнинг барчаси Ўзбекистонға келишидан олдин биринчи на-вбатда Конституцияимизни ўқиркан. Бир сафар уларнинг фикрини билиш мақсадида нима сабабдан савол-жа-воб қилишида биринчи навбатда Конституциядан фой-даланишини сўраганимиз бизнинг Конституцияда ҳам-маси аниқ қилиб ёзилганлиғи ва унинг нормаларини билиш орқали давлат таълимишға, олдид олиб борила-ётган сиёсат ҳақида тасаввурға эға бўлиш осонлиғини айтиб ўтишган.

Хулоса ўрнида шуни айтмоқчи эдимки, қундалик ҳаёт-да ҳар хил ҳодисалар рўй беради. Лекин уларнинг аҳамиятини тушуниш, ҳуқуқинг ва мажбуриятларинг ни-мадан иборатлиғини билиш учун албатта Конституция-нинг нормаларини ўқиш ва ўқиш керак. Бу биринчи навбатда биз фуқароларға, жамиятға ва давлатға фой-да келтиради.

Жамшид УРУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти
ҳузуридаги давлат бошқаруви академияси
2-курс тингловчиси

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ
Яқинда Чилонзор туман
ҳокимлиғида “Нуроний” жамғармаси
туман бўлими томонидан Ўзбекистон
Республикаси Конституциясининг
25 йиллиғи ҳамда 3 декабрь –
Халқаро Ногиронлар кўни
муносабати билан маънавий-
маърифий тадбир ўтказилди.


Унда туман фаоллари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ма-халла фидойилари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзға чиққан “Нуроний” жамғармасининг Тош-кент шаҳар бўлими раиси Рустам Қалонов ва бошқалар Конституциянинг 25 йиллиғини муносиб нишонлаш бораси-даги тайёргарлик ишлари, унинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамия-тини кенг тарғиб этиш, ўқувчи-ёшлар қалбида она Ватанға меҳр-мухаббат, қонунларимизға ҳурмат тўғрисида қулайити-риш, уларнинг онг ва тафаккурини тараққилантириш, маданият савиясини ошириш ҳамда ёшлар орасида ижтимоий-маъна-вий муҳитни янада соғломлаштириш, қонунларимизни ҳаёт-ға изчиллиқ билан таъбиқ қилинаётганини таъкидлаб ўтди.

– Бугунги кунда ёшларға ҳар томонлама намуна бўлиш, қадриятларимизни қадрлашға қўрлаш, миллийлигимизни ас-рашға ундаш бизларнинг асосий вазифаларимиздан бири-дир, – дейди “Нуроний” жамғармаси Чилонзор туман бўлими раиси Обиджон Аҳмедов. – Чунки бугунги келажаги порлоқ, истиқбол ёрқин, баркамол авлод эртанги бахтли қунимиз-нинг давомчиларидир. Уларни эзгуликка эш қилиб тарбия-лаш асосий вазифамиздир.

Тадбир доирасида ижтимоий ҳимояға муҳтож қариялар, уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларининг йигирма нафар-и “Нуроний” ва “Кексалик гаити” нашрларига бепул обу-наси амалға оширилди.

Йўлдош МАНСУРОВ,
меҳнат фахрийси



Кўргазма

“ART DECOR”ДА ХУНАРМАНДЛИК ЖИЛОЛАРИ

Пойтахтимизнинг “Лайлак кўнди” маданий мерос масканида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25 йиллиги ва 3 декабрь – Халқаро ноғиронлар кунини муносабати билан “Art decor” деб номланган кўргазма-савдо очилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Маданият ва санъат кўргазмаси ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирга кенг жамоатчилик вакиллари, санъатшунослар, хунармандлар, пойтахтимиздаги 560-махсус мактабга таълим муассасаси ўқув ва тарбияланувчилари, уларнинг ота-оналари, журналистлар таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси халқ устаси М.Мамажонов, 560-махсус мактабга таълим муассасаси мудири Д.Султонова ва бошқалар ўртимида хунармандларга яратилаётган кенг имкониятлар туфайли халқимизнинг аёнана ва урф-одатлари давом этаяётгани ва бу боқий мерос нафақат мамлакатимиз аҳолиси, ёшларга, балки халқаро миқёсда кенг тарғиб қилинаётгани билан ўз амалий натижасини кўрсатаётганини қайд этди.

Бугунги кўргазмада рангтаъсир, ҳайкалтарошлик, безакли темир буюмлар, ташиқ безак (ландшафт дизайни) ҳамда амалий санъат асарларини кўришингиз мумкин, – дейди ёш хайкалтарош Азамат Қорабев. – Унда мен хайкалтарошлик йўналиши бўйича ишларимни тақдим этдим.

Кўргазмада А.Ғафуров, Д.Юрғев, Н.Доманцевич, М.Ҳабиб, А.Қаспаров, Р.Қодиров, А.Қорабев, А.Умаров, Д.Назаров каби қўлол, хунарманд ва рангтаъсир усталарининг ишлари намойиш этилаётган.

Тадбирда 560-махсус мактабга таълим муассасаси тарбияланувчиларига ташкилотчилар томонидан совға-саломлар улашилди.

Н.ЗИЁДУЛЛАЕВА
ЎЗА мухбири

Футбол янгиликлари

СЎНГГИ ТҮР БЕЛЛАШУВЛАРИ

Футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат XXVI миллий чемпионатининг сўнгги 30-тур баҳслари жорий йилги мавсумга якун ясаб берди.

Очилишни айтганда охириги турдан аввал совриндор жамоалар номи маълум бўлиб улгурган, олий лигани тарқ этувчи клубларни ҳам муҳлислар аллақачон билиб олишган бўлсада, баърибир сўнгги турда қизиқарли баҳсларга гувоҳ бўлди.

Ушбу турда ўзаро беллашган “Локомотив” – “Бунёдкор” ўйини шунчаки расмийлик учун ўтади, деб тахмин қилаётганлар бу сафар адашди. Чунки баҳс жуда қизиқарли ва мурасасиз кечди ва уярашув

темирйўлчиларнинг 3:2 ҳисобидаги ғалабаси билан тугади. Голларга бой кечган баҳсда дарвозаларни “Локомотив”дан — С.Мирзаев, О.Блессинг, М.Бикмаев, “Бунёдкор”дан — Д.Хамдамов, А.Қосимов аниқ нишонга олишди.

Қолган ўйинлар куйидагича якунланди: “Машъал” — “Динамо” — 1:0, “Металлург” — “Нефтчи” — 1:0, “Шўртан” — “Кизилқум” — 1:1, “Навбахор” — “Насаф” — 1:0, “Қўқон-1912” — “Олмалик” — 1:2, “Бухоро” — “Сўғдиёна” — 1:0, “Пахтакор” — “Обод” — 3:0.

ЧЕМПИОНАТ НОМИ ЎЗГАРАДИ

Мамлакатимиз футболда жиддий янгиланишларни амалга оширишни даврнинг ўзи талаб этмоқда.

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси Ижроия қўмитаси қарорига қўра, келгуси йилги мамлакат чемпионати янги форматда ўтказиладиган бўлди. Унга қўра футбол бўйича олий лига мусобақаси Ўзбекистон Суперлигаси, биринчи лига аса Ўзбекистон Про-лигаси деб номланди.

Жами 12 та жамоа иштирок этидиган Ўзбекистон Суперлигасида баҳслар 4 та даврада ташкил этилади ва унда клублар 36 та турда ўзаро баҳслашишади. 12 та жамоа 33 турда

баҳслашишга, 2 та гуруҳга бўлинишади. Демак, 1-6-ўринларни эгаллаган жамоалар чемпионлик учун, 7-12-поғонадаги командалар Суперлигада қолиш учун яна 5 та турда беллашадилар. 38-турдан сўнг энг кўп очко жамғарган жамоа чемпион бўлади. 12-поғонада қолган команда Проллигага тушиб кетади. 11-ўрин эгаси Про-лигада 2-ўринни эгаллаган жамоа билан икита “плей-офф” ўйини ўтказишади. Ушбу қарама-қаршилик голиби Суперлигада қатнашиш

ҳуқуқини қўлга киритади.

Ўзбекистон Про-лигасида аса 16 та жамоа иштирок этади. Мусобақа икки даврада ташкил этилади. Яъни жамоалар 30 та тур ўйинларида амаллари синиб қўришади. Ўзбекистон Про-лигасида 1-ўринни эгаллаган жамоа Суперлига йўлланмасига эга чиқса, 2-ўрин соҳиби Суперлиганинг 11-жамоаси билан кучлилар сафида ўйнаш учун 2 та “плей-офф” беллашувида иштирок этади.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Бугунги глобаллашув жараёнида аҳоли, хусусан, ёшлар ўртасида китобхонлик маданиятини ошириш, билим манбаи бўлган китоб мутолаасига жалб этиш муҳим аҳамиятга эга.

КИТОБ МЕНИНГ ДЎСТИМ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг жорий йил 12 январдаги “Китоб махсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиш китоб, китобхонлик маданиятининг жамият маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролини ошириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Тошкент тиббиёт академияси қошидаги академик лицейда “Ёш китобхон” республика танловининг “Ёшлик” шаҳарча босқичи ўтказилди.

Мазкур танлов ёшларни китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш мақсадида ташкил этилди.

Танловда Олмазор тумани “Ёшлик” шаҳарча худ-

дидаги олий ўқув юртлири, ўрта махсус касб-хунар таълими муассасалари ва умумтаълим мактаби ўқувчи-ёшлари ўзаро беллашдилар.

Танловда ёшлар ижтимоий-сиёсий соҳа билимдони, маънавий-маърифий китоблар билимдони, бадий китоблар билимдони, мен севган адиб, шеърят бўйича билимларини синоддан ўтказдилар. Ёшларни кўпроқ изланишга ундовчи танлов натижаларига қўра 14-19 ёшгача бўлган иштирокчилар орасида 1-ўринни Олмазор тиббиёт коллежи ўқувчиси Муниса Файзуллаева, 20-31 ёшлилар ўртасида аса олий ўринни Ўзбекистон миллий университетидаги талабаси Шухрат Бобоев эгаллашди ва танловнинг кейинги босқичига йўллангани қўлга киритилди.

Ҳолибларга ташкилотчилар томонидан дипломлар топширилди.

Зарина РУСТАМОВА

Қилмиш – қидирмиш

ФИРИБГАРЛИКНИНГ ОҚИБАТИ

2-Тошкент юридик коллежи. Бу ўқув масканида бўлажак юрист кадрлар тайёрланади. Ўқувчиларнинг назарий ва амалий билимларини бойитиш учун жиноят ишлари бўйича Чилонзор тумани суди билан ҳамкорликда суд зали ташкил этилган.

Айни пайтда Чилонзор тумани бўйича сайёр судларнинг акарият мана шу коллежда ўтказилмоқда.

2017 йил 1 декабрь куни 2-Тошкент юридик коллежи биносида ўқувчилар иштирокида бўлиб ўтган сайёр судда икита фибрибгарлик билан боғлиқ жиноят иши кўриб чиқилди. Биринчи иш тафсилотларига келадиган бўлсак, 1989 йили Тошкент шаҳрида туғилган Фарид Икромов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ёшлигидан спорт ва тадбиркорликка қизиқди. Коллежни тамомлагач, бир муддат акка тартибдаги тадбиркорлик билан шуғулланди.

Ижтимоий тармоқлар орқали Олим Шомамудов билан танишди. Унда 10 та тикув машинаси ва жойи борлигини аниқлади. Озгаки келишув орқали О. Шомамудов Фаридга Чилонзор тумани 16-мавзедаги кўп қаватли уй ертўласидаги жойини ва тикув машиналарини ижарага берди.

Орадан бир неча ой вақт ўтди. Фарид тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўя олмади. Ҳе йўқ, бе йўқ, тикув машиналарининг 5 тасини мижоз топиб, 15 млн. сўмга сотиб юборди.

Олим ишлар қанақа кетаяпти, деб жойидан хабар олса, 5 та тикув машинаси йўқ, Фаридадан сўраса, бузилгани учун усталарга бердим, деб алдади. Аслида тикув машиналари аллақачон сотиб юборилган эди.

Суд мажлисида Ф. Икромов-

нинг илгари ҳам фибрибгарлик билан боғлиқ жиноятни содир этганилиги маълум бўлди. У судда айбдорлигини қисман тан олди.

Суд ҳайъати судланувчининг айбига пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарар қопланганлигини инобатга олиб, унга иш ҳақидан 30 фоиз ушлаб қолинган ҳолда 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига жалб этишга ҳукм қилди.

Кейинги судланувчи ҳам фибрибгарлик жиноятини содир қилиб қора курсида ўтирибди.

Шухрат Ашуров 1973 йили Тошкент шаҳрида туғилган. 4 нафар фарзанди бор. Муқаддам 3 марта судланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми бир неча бандлари билан айбланиб, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилган. Ш. Ашуров автомашина эҳтиёт қисмлари олди-сотдиси билан шуғулланиб, фибриб йўли билан жабрланувчиларга 249 млн. сўмдан ортиқ зарар етказган. Судга етказилган зарарнинг 50 фоизидан ортигини қайтарган.

Суд ҳайъати Ш. Ашуровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 168-моддаси 3-қисми “а” ва “б” бандлари билан айбдор деб топиб, узил-кесил ўташ учун 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Дилмурод ВАЛИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
Чилонзор тумани суди судьяси

“101”

ЗАРУР ЧОРАЛАР КЎРИЛДИ

Тошкент шаҳрида ўтказилаётган “Тозалаш-Антитеррор” тадбирининг ўтган даври мобайнида, Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг қўйи тизимлари томонидан, об-ҳавонинг кескин совиши натижасида, фуқаролар томонидан қўлбола услубда ишланган ностандарт иситиш мосламаларидан фойдаланиш оқибатида содир бўлиши мумкин бўлган ёнгинларнинг олдини олиш мақсадида, бир қатор ташкилий чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, Тошкент шаҳрида жойлашган барча бозор ва савдо комплекслари, корхона ва ташкилотлар, янги қурилатган бино ҳамда иншоотларда, шунингдек Яшнобод туманида жойлашган “Янгибод ихтисослашган бозори” МЧЖ худудида савдо-сотик билан шуғулланувчи фуқаролар ва савдо шохобчаларида, бозор мутасадди ходимлари билан рейд тадбирлари ўтказилиб, 68 дон Давлат стандартларига тўғри келмайдиган, қўлбола электр иситиш ва бошқа турдаги ускуналар аниқланиб, комиссия тартибда мусодара қилиш учун расмийлаштирилди.

Қўлбола электр иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик ва уларнинг оқибатида қўнгилсиз ҳодисалар келиб чиқишининг олдини олиш мақсадида Тошкент шаҳар ИИББ Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси оғоҳлантирди.

Хурматли фуқаролар!

– қўлбола услубда ишланган ва белгиланган тартибда давлат стандарти талаблари асосида, сино сертификатларидан ўтмаган иситиш мосламаларини харид қилманг;

– фуқароларга қарашли шахсий хонадон ёки корхона ҳамда ташкилотларда қўлбола электр иситиш ва бошқа турдаги ускуналаридан фойдаланмаслик чораларини кўринг.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунларига асосан, ҳар бир фуқаро, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари, шахсий, Давлат ҳамда ҳусусий мулк эгалари ҳисобланади. Агар қўлбола услубда ишланган иситиш мосламаларидан фойдаланиш натижасида, турли қўнгилсиз ҳодисалар ва ёнгинлар содир бўлишига олиб келинган тақдирда, белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин.

Муслима РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳар ИИББ ЁХБ
катта муҳандиси, майор

Инсон ҳаётига таҳдид солувчи офатлардан бири ёнгин эканлиги барчага аён.

Ишлаб чиқариш корхоналари ва турли ташкилот биноларида содир бўлаётган ёнгинлар кишиларнинг меҳнат фаолиятига зарар етказиб, шу орқали иқтисодийга ҳам салбий таъсир қўйишади.

Ана шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун аса ҳар бимиз бу офатга қарши, унинг олдини олиш учун фаол кураш олиб боришимиз зарур. Корхона ва ташкилот бинолари, шунингдек, аҳоли турар жойларида оддийгина ёнгин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш жуда муҳим. Бу билан биз жуда катта йўқотишларнинг олдини олган бўлаемиз. Айниқса қиш кунлари иситиш ёки электр тизимлардаги печка мўриларидаги арзимасдек қўнган носолиқлар ҳам ёнгинга сабаб бўлишини унутмаслик даркор. Шунингдек, ёниб турган газ ёки электр плитасини қаровсиз қолдириш, бошқаришни боғларга ишониб қўйиш ҳам хавфсизлигингизга таҳдид солувчи омиллардан эканлигини унутманг.

Абдурашид АЙДАРОВ,
ЁХБ ходими

Фарзандларимиз келажакимиз. Шундай экан, ҳар бимиз болаларни уйда ёлғиз қолдирмасликка ҳаракат қилишимиз, улар ёнгинга ҳар хил ёнувчи махсулотларни қўймасдан, аксинча ҳаммаша ёнгин ҳақида тушунтиришимиз, гуғурт ва олов билан ўйнамаслик, “тизлсиз ёв” нима оқибатларга олиб келиши тўғрисида доим эслатиб туришимиз даркор.

Ёнгин аса бир неча сонияда мол-мулк ва яқинлардан ажратадиган бир офатдир. Ҳаётда содир бўлидиган дахшати фалокатлардан бири шубҳасиз ёнгин. Ҳар бимиз ҳаётда оловдан фойдаланамиз, лекин ҳамма ҳам оловдан тўғри фойдаланишни билавермайди.

Агар биз қўндалик туришимизда содир бўлаётган ёнгинларни таҳлил қиладиган бўлсак, ақсарият ҳолларда бундай офатлар бепарволик, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик, ёш болаларга бепарволик билан қараш оқибатида юзага келаётганига гувоҳ бўламиз. Кўпчилик фуқаролар уйларда электр тизимини ўзлари билганча хавфсизлик қоидаларига риоя қилмасдан таъмирлашади. Худди шундай ҳолатларни корхона, ташкилот, аҳоли турар жойларида ҳам учратиш мумкин. Шундай экан, биз Ёнгин хавфсизлиги бўлими ходимлари сизлардан фарзандларингизга эътиборли бўлишингизни сўраб қоламиз.

Отабек РАҲМАТУЛЛАЕВ,
“Маърифат маркази” ЁХБ
инспектори, капитан

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Олмазор туманидаги 68-мактабга таълим муассасаси қўйидаги озик-овқат махсулотларини харид қилиш учун

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Гуш 1,142 кг 31 500 сўмдан, умумий қиймати

35 973 000 сўм.

Таклифлар эълон чоп этилган кундан бошлаб 10 кун

мобайнида қабул қилинади. Батафсил маълумотлар учун

тел: 214-38-40

	ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ	рат кечаси — 5-7 даража соғуқ, кундузи — 2-4 даража илқ бўлади. Ўзгидрометнинг метеорологик хизмати маълумотига қўра, 7 декабрда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарари моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратиши, ифлосланиш даражаси паст бўлади.
--	---	--

Тошкент оқшом

Манзилмиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почтамати» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида термиди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@mail.uz

Буюртма Г- 1235

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр курсаткичи — 563

Ҳажми — 2 бошқа табоқ, офсет усулида босилади.
4003 нускада босилди.
Қўғоз бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмохонаси, Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 15.40